

**ТОШКЕНТ АХБОРОТ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ УНИВЕРСИТЕТИ**  
**ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ**  
**DSc.28.12.2017.T.07.02 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**ТОШКЕНТ АХБОРОТ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ УНИВЕРСИТЕТИ**

**ПИСЕЦКИЙ ЮРИЙ ВАЛЕРЬЕВИЧ**

**МАСОФАДАН МОНИТОРИНГ ҚИЛИШ ҚУРИЛМАЛАРИ ВА**  
**УСУЛЛАРИ**

05.04.02 – Радиотехника, радионавигация, радиолокация ва телевидение тизимлари  
ва қурилмалари. Мобил, тола-оптик алоқа тизимлари

**ТЕХНИКА ФАНЛАР БЎЙИЧА ДОКТОРИ (DSc)**  
**ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**Тошкент – 2018**

**Техника фанлари бўйича доктори (DSc) диссертацияси автореферати  
мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации  
доктора (DSc) по техническим наукам**

**Contents of dissertation abstract of the doctor of sciences (DSc)  
on technical sciences**

**Писецкий Юрий Валерьевич**

Масофадан мониторинг қилиш қурилмалари ва усуллари.....3

**Писецкий Юрий Валерьевич**

Методы и устройства дистанционного мониторинга.....27

**Pisetskiy Yuriy Valerevich**

Methods and devices of remote monitoring.....51

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ

List of published works.....55

**ТОШКЕНТ АХБОРОТ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ УНИВЕРСИТЕТИ**  
**ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ**  
**DSc.28.12.2017.Т.07.02 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**ТОШКЕНТ АХБОРОТ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ УНИВЕРСИТЕТИ**

**ПИСЕЦКИЙ ЮРИЙ ВАЛЕРЬЕВИЧ**

**МАСОФАДАН МОНИТОРИНГ ҚИЛИШ ҚУРИЛМАЛАРИ ВА**  
**УСУЛЛАРИ**

05.04.02 – Радиотехника, радионавигация, радиолокация ва телевидение тизимлари  
ва қурилмалари. Мобил, тола-оптик алоқа тизимлари

**ТЕХНИКА ФАНЛАР БЎЙИЧА ДОКТОРИ (DSc) ДИССЕРТАЦИЯСИ**  
**АВТОРЕФЕРАТИ**

**Тошкент – 2018**

Техника фанлари бўйича фан доктори (DSc) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида №B2017.1.DSc/T40 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Тошкент ахборот технологиялари университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифасида ([www.tuit.uz](http://www.tuit.uz)) ва «ZiyoNet» ахборот-таълим порталида ([www.ziyounet.uz](http://www.ziyounet.uz)) жойлаштирилган.

**Илмий маслаҳатчи:**

**Арипов Хайрулла Кабилович**  
физика-математика фанлар доктори, профессор

**Расмий оппонентлар:**

**Бахрамов Сагдулла Абдуллаевич**  
физика-математика фанлари доктори,  
профессор, академик

**Сиддиков Илхомжон Хакимович**  
техника фанлари доктори, профессор

**Иногамов Акмал Муратович**  
техника фанлари доктори

**Етакчи ташкилот:**

**«Ўзбектелеком» акционерлик компанияси**

Диссертация ҳимояси Тошкент ахборот технологиялари университети ҳузуридаги DSc.28.12.2017.T.07.02 рақамли Илмий кенгашнинг 2018 йил «\_\_» \_\_\_\_\_ соат \_\_\_\_ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100202, Тошкент шаҳри, Амир Темура кўчаси, 108-уй. Тел.: (99871) 238-64-43; факс: (99871) 238-65-52; e-mail: [tuit@tuit.uz](mailto:tuit@tuit.uz)).

Диссертация билан Тошкент ахборот технологиялари университети Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (\_\_\_ рақам билан рўйхатга олинган). (Манзил: 100202, Тошкент, Амир Темура кўчаси, 108-уй. Тел.: (+99871) 238-65-44).

Диссертация автореферати 2018 йил «\_\_» \_\_\_\_\_ да тарқатилди.  
(2018 йил «\_\_» \_\_\_\_\_ даги \_\_\_\_\_ рақамли реестр баённомаси.)

**Р.Н. Усманов**

Илмий даражалар берувчи илмий  
кенгаш раиси, т.ф.д., профессор

**Б.Н. Рахимов**

Илмий даражалар берувчи илмий  
кенгаш илмий котиби, т.ф.д.

**А. Абдукаюмов**

Илмий даражалар берувчи илмий  
кенгаш қошидаги илмий семинар  
раис ўринбосари, т.ф.д., профессор

## КИРИШ (фан доктори (DSc) диссертацияси аннотацияси)

**Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурлиги.** Жаҳонда етакчи инфокоммуникацион тармоқлар ва тизимлар инновацион соҳалар билан техник ўзаро боғланганлиги ахборот-коммуникация технологияларининг турли воситалари ва ечимларига интеграцияланиши ҳамда турли йўналишларда, жумладан саноат корхоналари технологик жараёнларини бошқариш, транспорт, қишлоқ хўжалиги, ижтимоий ва бошқа йўналишларда масофадан мониторинг қилиш алоҳида аҳамият касб этади. Ривожланган мамлакатларда, жумладан АҚШ, Германия, Франция, Жанубий Корея, Япония, Россия ва бошқа мамлакатларда хавфли корхоналарни мониторинг қилишнинг янги технологиялари ва усулларини қўллаш орқали индустрияда ишлатиладиган ёнғин ва экологик хавфли вазиятларни аниқлаш ва олдини олиш учун узлуксиз мониторинг қилишга катта эътибор қаратилмоқда. Шу жиҳатдан ёнғинга хавфли газларни назорат қилишнинг самарали усулларини ишлаб чиқиш муҳим аҳамият касб этмоқда.

Жаҳонда корхоналарнинг маҳаллий ёки ҳудудий кўламларга экологик таъсирини назорат қилиш, техноген характердаги фавқулоддаги вазиятлар телекоммуникацион тизимлари орқали огоҳлантириш, симсиз технологияларга асосланган мониторинг қилиш тизимлари ва усулларини ишлаб чиқиш илмий асослари яратилмоқда. Бу борада, жумладан автоном ва автоматик радиомониторинг қилиш тизимларининг қўлланилишига асосланган газ-кимёвий объектлар қурилмаларини назорат қилиш усулларини, иқлим шароитлари учун энг кам хатоликли масофадан радиомониторинг қилиш усули, кимёвий ва физик параметрларни аниқлаш учун ишончли универсал сенсорли модулларни ишлаб чиқиш, шу билан бирга радиомониторинг қилиш автоном тизимларининг аппарат комплекслари ва унинг компонентларини яратиш, хавфли объектларни марказлаштирилган назорат қилиш учун маълумотларни узатиш тармоқларини қуриш тизимларини ишлаб чиқишни илмий асослаш зарур ҳисобланади.

Республикамизда ишлаб чиқариш корхоналарининг хавфли газ ташламалари масофали мониторинг сигнализация тизимларини мақсадли такомиллаштиришга йўналтирилган чора-тадбирларни амалга оширишга, жумладан, симсиз алоқа технологиялар ёрдамида масофадан узлуксиз назорат қилиш, кимё, нефть ёки газ корхоналарида хавфли чегаравий рухсат этиладиган концентрацияларини масофадан автоматик радиомониторинг қилиш тизимларини ишлаб чиқишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегиясида, жумладан, «...ахборот-коммуникацион технологияларни иқтисод, ижтимоий соҳа, бошқариш тизимларига жорий этилиши»<sup>1</sup>вазифалари белгиланган. Мазкур вазифаларни амалга ошириш,

---

<sup>1</sup>Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги Фармони

жумладан, ишлаб чиқариш корхоналарида ёнғин ва экологик хавфли вазиятларни аниқлаш ва олдини олиш усуллари ишлаб чиқиш, узлуксиз мониторинг қилиш усуллари ва автоматлаштирилган қурилмаларини яратиш муҳим вазифалардан бири ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон «Ўзбекистон Республикасини кейинги ривожлантириш бўйича ҳаракатлар дастури тўғрисида»ги, 2017 йил 21 июндаги ПФ-5066-сон «Фавқулудда вазиятларда огоҳлантириш ва баргараф қилиш тизимларининг самарадорлигини тубдан ошириш бўйича чоралар тўғрисида»ги Фармонлари, 2017 йил 2 июндаги ПҚ-3030-сон «Фавқулудда вазиятлардан аҳоли ва ҳудудларни ҳимоя қилиш соҳасида мутахассисларни тайёрлаш тизимининг кейинги такомиллаштириш бўйича чоралар тўғрисида»ги Қарори ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

**Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларга мослиги.** Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг IV «Ахборотлаштириш ва ахборот-коммуникацион технологияларни ривожлантириш» устувор йўналиши доирасида бажарилган.

**Диссертация мавзуси бўйича хорижий илмий-тадқиқотлар шарҳи<sup>2</sup>.** Индустрияда ишлатиладиган ёнғин ва экологик хавфли вазиятларни аниқлаш ва олдини олишга токсик ва ёнғинга хавфли газларни назорат қилишни узлуксиз мониторинг қилиш усуллари, автоматлаштирилган қурилмаларини яратишга қаратилган илмий-тадқиқотлар жаҳоннинг етакчи илмий марказлари ва олий таълим муассасаларида, шу жумладан, Institute of Electrical and Electronics Engineers, Massachusetts Institute of Technology (АҚШ), Nanjing Kelisaike Safety Equipment Corporation (Хитой), Москва алоқа ва информатика техника университети илмий маркази, «Аналитик-ТС» МЧЖ, «ОПТЭК» акционер жамияти (Россия) ва Тошкент ахборот технологиялари университети, Тошкент давлат техника университетиди (Ўзбекистон) кенг қамровли илмий тадқиқот ишлари олиб борилмоқда.

Сенсорларнинг нозик динамик характеристикалари ишлаб чиқилган, кинетик параметрлар конкурент эффектининг сезгир датчикларга таъсирини баҳолаш кўрсаткичларини такомиллаштириш ҳамда қурилмаларини яратиш муаммоларига оид жаҳонда олиб борилган тадқиқотлар натижасида қатор, жумладан, қуйидаги илмий натижалар олинган: газоаналитик қурилмаларнинг селективлигини катализаторлар асосида яхшилаш усулини (Columbia University of New York, Institute of Electrical and

---

<sup>2</sup>Диссертация мавзуси бўйича хорижий илмий-тадқиқотлар шарҳи S.Nakata, K.Takemura, K.Neya. Non-linear dynamic responses of a semiconductor gas sensor: Evaluation of kinetic parameters and competition effect on the sensor response. – Sensors and actuators. B (chemical) 76 (2001), Ph. 436-441, R.S.Morrison. Sensor and Actuators, 12, 425 (1987), Güpel W., Schierbaum K.D. // Sensors Actuators. B. 1995. Vol. 26-27. P. 1-23, Alterkop B., Parkansky N., Goldsmith S., and Boxman R.L. // J. Phys. D.: Appl. Phys. 2003. Vol. 36. P. 552-558, Varghese O.K., Malhotra L.K. // J. Appl. Phys. 2000. Vol. 87. P. 7457-7463 ва бошқа манбалар асосида ишлаб чиқилган.

Electronics Engineering, Massachusetts Institute of Technology, США, Винница миллий техника университети, Украина), вакуум технологиялари ёрдамида термоплатина элементларга катализаторларни қоплаш билан термокаталитик датчикларни танловчанлигини янги қоришмалар асосида такомиллаштирилган («ОПТЭК» акционерлик жамияти, Россия, Миллий академиясининг молекуляр ва атом физика институти, Беларусь, М.В.Ломоносов номидаги Москва давлат университети, Россия), нанотурдаги наностерженли кўп қатламли датчиклари, шунингдек газларни таҳлил қилувчи тизимлари ишлаб чиқилган, (Waseda University School of Science And Engeniering, Seikei University, Vacuum Metallurgical Co. Ltd., Japan), полимер газ датчиклари массивларини ўтказиш учун оддий, ихчам сўров усули ишлаб чиқилган, (University of Toronto, Canada, The University of Manchester, Великобритания).

Дунёда ишлаб чиқариш соҳаларидаги хавфли объектларда газ ажралиш жараёни назоратини масофадан мониторинг қилиш тизимларини такомиллаштириш ва қурилмаларни яратиш бўйича қатор, жумладан, қуйидаги устувор йўналишларда тадқиқотлар олиб борилмоқда: автоном ва автоматик радиомониторинг тизимлари ёрдамида газ-кимёвий объектларини назорат қилишнинг янги самарали усулларини ишлаб чиқиш, масофавий мониторинг қилишнинг минимал хатоликка эга прецизион усулини ишлаб чиқиш, газларнинг физик ва кимёвий хусусиятларини аниқлаш учун сенсорли модулларини ишлаб чиқиш, турли частота диапазонларида ишловчи радиомониторинг қурилмасини яратиш.

**Муаммонинг ўрганилганлик даражаси.** Индустрияда ишлатиладиган ёнғин ва экологик хавфли вазиятларни аниқлаш ва олдини олишга токсик ва ёнғинга хавфли газларни назорат қилиш, автоматлаштирилган қурилмаларини яратиш муаммоларига қатор монографиялар ва журналлар мақолалари бағишланган. Узлуксиз мониторинг қилиш назариясининг ривожланишида бир қатор олимлар: Williams D., Ross MacDonald, ҳамда М.Е.Н. Amrani, Р.А. Payne, R.M. Dowdeswell, A.D. Hoffman, Израэль Ю.А., Герасимов И.П., Ковдо В.А., Стынько В.А. ва бошқалар илмий тадқиқотлар олиб борганлар ҳамда катта ҳисса қўшганлар.

Республикамызда масофадан радиомониторинг қилишни назарий асосларини такомиллаштириш ва ҳисоблаш усулларини ишлаб чиқиш бўйича бир қатор олимлар илмий тадқиқот ишларини олиб боришган, жумладан, академик Т.Д. Раджабов томонидан газлар датчиклари тўплани ўтказиш учун оддий, ихчам сўров усули ишлаб чиқилган. Бунинг учун улар орқали Вин кўприги осцилляторлари тўртта каналли тизими лойиҳалаштирилган ва қурилган. Юсупбеков Н.Р., Абдуллаев Д.А., Назаров А.М., Серикбаев Б.А., Абдурахманов Э.А., Сахибов Ш.Д. ва уларнинг шогирдлари томонидан термокаталитик алмаштиргичларнинг хоссалари асосида газ анализаторларнинг танлаш қобилятини ошириш усуллари ишлаб чиқилган, нефть маҳсулотлари буғларини анализ қилувчи қурилма яратилган.

Соҳага оид тадқиқотлар таҳлили шуни кўрсатадики, баён этилган ишларнинг натижасига кўра улар асосан мониторинг тизимларининг айрим

параметрларини тадқиқ этиш, сигналларни қайта ишлаш усулларини ишлаб чиқиш ҳамда тизимдаги баъзи қурилмаларнинг (датчиклар, модулар, узатиш канали ва ҳ.к.) характеристикаларини яхшилашга бағишланган. Ушбу ишларда атроф-муҳит параметрларини ҳамда хавфли объектлардаги ёнғиндан ва портлашда хавфли моддаларни автоматлаштирилган масофали мониторинг тизимининг бутун комплекси корхоналар фаолиятининг хусусиятларини ва Ўзбекистоннинг иқлим шароитини ҳисобга олган ҳолда етарли даражада ўрганилмаган.

**Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги.** Диссертация тадқиқоти Тошкент ахборот технологиялари илмий-тадқиқот ишлари режасининг №А-7-423- «Атроф-муҳитда токсик, ёнғинга ва портлашга хавфли газларни аниқлаш бўйича масофадан радиомониторинг қилиш тизимини яратиш» (2006-2008) мавзусидаги лойиҳаси доирасида бажарилган.

**Тадқиқот мақсади** ёнғин ва экологик хавфли вазиятларни аниқлаш ва олдини олишга мўлжалланган токсик ва ёнғинга хавфли газларни назорат қилишнинг узлуксиз мониторинг қилиш усуллари ва юқори самарадорли автоматлаштирилган қурилмаларини ишлаб чиқишдан иборат.

**Тадқиқотнинг вазифалари:**

автоном тарзда радиомониторинг қилувчи тизимлар воситасида газ-кимёвий объектларнинг қурилмаларини назорат қилиш усулларини ишлаб чиқиш;

Ўзбекистон иқлим шароитларини ҳисобга олган ҳолда масофадан радиомониторинг қилишнинг оптимал алгоритмга асосланган махсус услубини ишлаб чиқиш;

радиомониторинг тизимида рақамли сигналларни узатиш учун радиоканал ташкил этиш;

газларнинг кимёвий ва физикавий параметрларини ишончли аниқловчи сенсорли модуларни ишлаб чиқиш;

радиомониторинг қилувчи автоном тизимлар аппаратлар комплексларининг компонентларини яратиш;

термокимёвий каталитик датчикларнинг термик параметрлари ва ажрата олиш қобилиятини тадқиқ этиш;

хавфли объектларни марказлаштирилган тарзда назорат қилишга мулжалланган маълумотлар узатиш тармоқларини қуришга оид амалий тавсиялар ишлаб чиқиш.

**Тадқиқотнинг объекти** сифатида хавфли газлар мавжуд бўлган ишлаб чиқариш корхоналари, мониторинглашда сигнализация воситалари, элементлари олинган.

**Тадқиқотнинг предмети**ни ишлаб чиқариш корхоналарининг атроф-муҳитини автоматлаштирилган радиомониторинг қилиш усуллари, алгоритмлари ва қурилмаларини ташкил этади.

**Тадқиқотнинг усуллари.** Тадқиқотлар жараёнида аналитик ва дастурий тадқиқотлар усуллари, тизимлар умумий назарияси ва техник диагностика



қилиш, замонавий радиоалоқа назарияси, рақамли сигналларни қайта ишлаш усулларидан фойдаланилган.

**Тадқиқотларнинг илмий янгилиги** қуйидагилардан иборат:

энг кичик хатолик ва юқори сезгирлик билан автоном ҳамда ишончли ишлайдиган усули атроф-муҳитини масофадан мониторинг қилиш мезонлари орқали ишлаб чиқилган;

юқори ишончлилик, сезгирлик ва ҳалақитбардошлик билан кенг хароратлар чегараларида хавфли объектлар атроф-муҳитидаги ёнувчан моддалар ҳақидаги маълумотларни қайд этиш ва ишлов беришга имкон берадиган автоматик мониторинг қилиш аппарат комплекси таъминоти ёрдамида яратилган;

Ўзбекистоннинг иқлим шароитларида нефть ва газни қайта ишлаш қорхоналарида хавфли объектларни масофадан мониторинг қилиш тизимини самарали ишлатиш ингредиент услуги асосида ишлаб чиқилган;

конструктив ўзгартиргични қўллаш асосида Ўзбекистоннинг иқлим шароитларида самарали ва ишончли ишлатиш учун термокаталитик датчик ишлаб чиқилган;

Ўзбекистоннинг турли минтақаларида хавфли объектларни марказлашган мониторинг қилиш корпоратив тармоғини яратиш усули асосланган.

**Тадқиқотнинг амалий натижалари** қуйидагилардан иборат:

Ўзбекистоннинг иқлим шароитларига мўлжалланган атроф-муҳит параметрларининг энг кичик хатоликда берадиган автоматик масофадан радиомониторинг қилиш самарадор усули ишлаб чиқилган;

рақамли радиосигналларни узатиш 26,95 МГц частота асосида яратилган хавфли объектларни радиомониторинг қилиш тўрт каналли автоном автоматик қўлланишига асосланган атроф-муҳитни узлуксиз назорат қилиш тизими ишлаб чиқилган;

конструктив ўзгартиргич асосида Ўзбекистоннинг иқлим шароитларига мослаштирилган яхшиланган характеристикали юқори селектив термокаталитик датчик ишлаб чиқилган;

термокаталитик датчиклар қўллаш асосида хавфли объектларни марказлаштирилган мониторинг қилиш корпоратив тармоқни куриш усули яратилган.

**Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги.** Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги автоматик масофадан радиомониторинг қилиш самарадор усули ишлаб чиқилган, рақамли дискрет сўров тизими алгоритми, термокаталитик сенсори параметрларини ҳисоблаш, ингредиент усули ва ҳисоблашлар орқали термокаталитик сенсори автоматик узлуксиз радиомониторинг қилиш усуллари билан изоҳланади.

**Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.** Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти температура ва газларнинг кенг динамик диапазонда турли ҳилдаги термокаталитик датчиклар ва сенсорли модуллардан келувчи сигналларни оптималлаштирилган алгоритм бўйича қайта ишлашга асосланган ҳавфли газларни мониторинг қилиш ишлаб

чиқилган янги усулида мониторинг тизими сифатини ошириш имконини бериши билан баҳоланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти яратилган тизим Ўзбекистоннинг иқлим шароитида ҳавфли объектларни комплекс равишда, узоқ вақт давомида узлуксиз, юқори аниқликда мониторинг қилиш имконини беради. Тизимда унификацияланган қабул қилиш канали, радиоканаллар бўйлаб ахборот узатишнинг замонавий рақамли технологиялари татбиқ этилиши туфайли уни турли ҳавфли қайта ишловчи корхоналарда мобил, автоном равишда ва тезкор ҳолда қўллаш мумкин.

**Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши.** Масофадан мониторинг қилиш қурилмалари ва усуллари бўйича олинган натижалар асосида:

ёнғиндан огоҳлантириш бўйича Тошкент телеминорасидаги узунлиги бўйича 375 метрли автоном радиоканали муайян вақт оралиғида алоҳида ишлайдиган алгоритм асосида самарали радиомониторинг тизими «РТУМ» ДУКда жорий этилган (Ўзбекистон Республикаси Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлигининг 2018 йил 8 июндаги 33-8/4153-сон маълумотномаси). Натижада 26,95 МГц частота рақамли радиосигнални автоном узатиш усулини қўллаш орқали ёнғин сигнализацияси учун сарф ҳаражатларни камайтириш имконини берган;

автоном радиоканални қўлаган ҳолда ҳамда ингредиент мониторинг усули асосида термокаталитик сенсорли, 4 каналли газни қайта ишловчи станциянинг радиомониторинг тизими «Avaton gaz avto» МЧЖ, «Gazkompressor-Servis» МЧЖ, «Rahshona-Н.Н.» МЧЖ, «Buyuk Boriy-Valiy» МЧЖларда жорий этилган (Ўзбекистон Республикаси Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлигининг 2018 йил 8 июндаги 33-8/4153-сон маълумотномаси). Илмий тадқиқотлар натижасида ҳавфли газ исини аниқлаш сифатини ошириш ва газларни сизиб чиқишини аниқлашни тезлаштириш, ишлаб чиқаришда ишлаш жараёнида ҳавфсизлигини ошириш имконини берган;

ёнилғи қуйиш шоҳобчаларида бир вақтнинг ўзида газсимон аралашмаларнинг тўғридан-тўғри намунасини радиомониторинг усули асосида Ўзбекистон шароитига мосланган термокаталитик сенсор билан узлуксиз назорат қилиш автомобилларга ёқилғи ва газ қуйиш шаҳобчаси «ALEKS PLYUS BIZNES» МЧЖга жорий этилган (Ўзбекистон Республикаси ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлигининг 2018 йил 8 июндаги 33-8/4153-сон маълумотномаси). Илмий тадқиқотлар натижасида яқка тартибдаги мониторинг тизими асосида автомобилларга ёқилғи ва газ қуйиш шаҳобчаси бир вақтнинг ўзида назорат қилиш корхона техник ходимларининг ишини сезиларли даражада осонлаштиради, корхона меҳнат ресурсларини тежаш имконини берган;

оптик сигналларини узатиш усули асосида мониторинг тизимида қўлланиладиган универсал сенсор модули «РТУМ» ДУК, «Avaton gaz avto» МЧЖ, «Gazkompressor-Servis» МЧЖ, «Rahshona-Н.Н.» МЧЖ, «Buyuk Boriy-Valiy» МЧЖ, «ALEKS PLYUS BIZNES» МЧЖларда жорий этилган

(Ўзбекистон Республикаси Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлигининг 2018 йил 8 июндаги 33-8/4153-сон маълумотномаси). Илмий тадқиқотлар натижасида универсал сенсорли модули асосида мониторинг тизимининг функционаллигини кенгайтириш, натижаларининг ишончлилигини 1,5 марта ошириш имконини берган;

Ўзбекистон иқлим шароити учун ишлаб чиқилган термокаталитик сенсорлар газни қайта ишлаш заводида бевосита танлаб олиш усули ва ишлаб чиқилган радио мониторинг тизимини такомиллаштириш усули «Avaton gaz avto» МЧЖ, «Gazkompressor-Servis» МЧЖ, «Rahshona-Н.Н.» МЧЖ, «Buyuk Boriy-Valiy» МЧЖ, «Aleks Plyus Biznes» МЧЖларда жорий этилган (Ўзбекистон Республикаси Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлигининг 2018 йил 8 июндаги 33-8/4153-сон маълумотномаси). Илмий тадқиқотлар натижасида билвосита газни танлаш усулини такомиллаштириш орқали сенсорнинг ишлаш ҳарорати оралиғини чет эл аналогларидан нисбатан ўлчаш хатосини камайтириш имконини берган.

**Тадқиқотлар натижаларининг апробацияси.** Мазкур тадқиқотнинг назарий ва амалий натижалари 4 та халқаро ва 18 та республика илмий-амалий анжуманларда маъруза қилинган ва муҳокамадан ўтказилган.

**Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги.** Тадқиқот мавзуси бўйича жами 46 та илмий иш чоп этилган бўлиб, жумладан Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий натижаларини чоп этишга тавсия этилган илмий нашрларда 21 та мақола, 18 та республика ва 3 таси хорижий журналларда, нашр қилинган, ҳамда 1 та ЭҲМ учун яратилган дастурий воситаларни қайд қилиш гувоҳномалари олинган.

**Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми.** Диссертация кириш, бешта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати, иловалардан иборат. Диссертациянинг ҳажми 150 саҳифани ташкил этади.

## **ДИССЕРТАЦИЯ ИШИНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ**

**Кириш** қисмида диссертация иши мавзусининг долзарблиги ва зарурлиги асослаб берилган, тадқиқотнинг мақсад ва вазибалари, объекти ва предмети белгилаб берилган, Ўзбекистон Республикаси фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига тадқиқотнинг мослиги аниқланган, илмий янгилиги ва амалий натижалари, олинган натижаларнинг ишончлилиги асосланган, олинган натижаларнинг назарий ва амалий аҳамияти очиб берилган, тадқиқот натижаларини амалиётга жорий этиш рўйхати, нашр этилган ишлар ва диссертациянинг тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг **“Атроф-муҳитни мониторинг қилиш замонавий усуллари ва тизимлари”** деб номланган биринчи бобида атроф-муҳитни мониторинг қилиш усуллари, шунингдек, фавқулодда вазиятларни мониторинг қилиш орқали диагностика қилиш ва тахминлаш усуллари

келтирилган, хавфли газларни мониторинг қилиш замонавий тизимлари таҳлил қилинган. Мониторинг қилиш тизимлари учун газ сенсорларининг таснифланиши ва турлари кўриб чиқилган. Масофадан мониторинг қилиш тизимлари учун маълумотларни узатиш тармоқлари ўрганилган. Мониторинг қилиш тизимлари учун маълумотларни узатиш технологияларига талабларни таҳлил қилиш ва ўрганиш ўтказилган. Ўтказилган атроф-муҳитни мониторинг қилишнинг замонавий усуллари, қурилмаларининг шарҳи ва таҳлилидан тадқиқотнинг вазифалари шакллантирилган.

Бажарилган ишлар бўйича қуйидагилар ўрнатилди:

Мониторинг қилиш қуйидаги асосий амалий йўналишларни ўз ичига олади: атроф-муҳитнинг ҳолати ва унга таъсир этадиган омилларни кузатиш; атроф-муҳитнинг ҳақиқий ҳолати ва унинг ифлосланиши даражасини баҳолаш; бўлиши мумкин бўлган ифлосланишлар натижасидаги атроф-муҳитнинг ҳолатини тахминлаш ва бу ҳолатни баҳолаш.

Мониторинг қилиш тизимлари таъсир этиш омиллари, ифлослантириш манбалари ва таъсир этиш кўламлари бўйича бўлинади. Улардан энг кўп ишлатиладиганлари ингредиентли мониторинг қилиш, нуктавий стационар манбаларни мониторинг қилиш ва фазовий мониторинг қилиш ҳисобланади. Ўз навбатида, маълумотларни умумлаштириш бўйича хавфли зоналарда антропоген манба таъсирини локал мониторинг қилиш, ҳудудий ва локал антропоген таъсирларни импакт мониторинг қилишга ажратилади.


Сифатли оператив назорат қилиш учун замонавий мониторинг қилиш тизимлари табиий ва антропоген келиб чиқишдаги атмосфера таркибининг кимёвий таркибини кузатиш физик-кимёвий усуллари кенг қўллайди. Бу ҳолда актив зондлаш ва ўрганиладиган объектларни назорат қилиш, шунингдек, тажриба маълумотларини қайд этишни амалга ошира оладиган радиометрик қабуллаш-узатиш аппаратураси билан жиҳозланган радиоэлектрон воситалар қўлланадиган масофадан мониторинг қилиш энг қулай бўлади.

Мониторинг қилишдан асосий мақсад алоҳида хавфлар турларини кузатиш билан шуғулланадиган турли идоралар ва ташкилотларнинг интеллектуал, ахборот ва технологик имкониятларини бирлаштириш асосида фавқулодда вазиятларни аниқ ва ишончли тахминлаш учун маълумотларни тақдим этиш ҳисобланади. Мониторинг қилиш маълумотлари тахминлаш учун асос бўлиб хизмат қилади, унинг натижасида қандайдир объект, ҳодиса, жараённинг бўлажак ҳолати ҳақидаги гипотетик маълумотлар олинади.

Ҳозирги вақтда хавфли газларнинг портлашгача концентрациясини аниқлайдиган мониторинг қилиш тизимларини қуриш усуллари катор турлари мавжуд. Лекин улардан кўпчилиги юқори нархга эга (эксплуатацион сарфларни қўшганда), тўлиқ унификацияланмаган, шунингдек, функционал етарли эмас.

Деярли барча мониторинг қилиш тизимлари ўхшаш функционал тузилма бўйича қурилади, у газоанализаторлар ёки сенсорлар, маълумотларни узатиш ва қабул қилиш тизими ва маълумотларга ишлов бериш тизимини ўз ичига олади (1.1- расм). Маълумотларни узатиш ва қабул қилиш тизими бир неча

усулларда бажарилиши мумкин. Бу симли, радиоканалли ва оптик тизимларнинг турлари бўлиши мумкин. Шунингдек, бир вақтда бир неча маълумотларни тўплаш усуллари ўз ичига оладиган комбинацияланган мониторинг қилиш тизимлари мавжуд.



**1- расм. Мониторинг қилиш тизимининг тузилмаси**

Мониторинг қилиш тизимлари ишлатадиган алоқа каналларини баҳолаш учун алоҳида узатиш тизимларининг кўрсаткичларини ёмонлашишига турли омилларнинг нисбий характеристикалари таҳлил қилинган. Ўтказилган таҳлил кўрсатдики, ишлаб чиқариш объектларидаги хавфли газларнинг ошган концентрациясини аниқлаш учун ўз автоном ишлайдиган радиоканалидан фойдаланиш энг оптимал ҳисобланади.

Меъёрий ҳужжатлар ва радиотўлқинларнинг тарқалиши дипазонли хоссаларини ўрганиш кўрсатдики, фуқаролар радиоалоқаси учун ажратилган 27 МГц частоталар дипазонидан фойдаланиш энг оптимал бўлади. Бу дипазонда радиотўлқинлар узатиш антеннасида ёруғлик нурига ўхшаш тўғри чизик бўйича қабул қилиш антеннасига тарқалади.

Ернинг эгрилиги ҳисобга олинганида тўғри кўриниш масофасини куйидаги формула бўйича ҳисоблаш мумкин:

$$R_3 = (\sqrt{H_1} + \sqrt{H_2}) \quad (1)$$

бу ерда  $H_1$  ва  $H_2$  – узатиш ва қабул қилиш нуқталарида антеннанинг осилиш баландликлари.


Шу билан бир вақтда Си-Би радиотўлқин 11 метр атрофидаги узунликка эга бўлиш билан ерни айланиб ўтиш билан ер сирти бўйлаб тарқала олади, бу унга тўғри кўриниш зонасида узокроққа тарқалишга (ер усти тўлқини) имкон беради. Радиокўриниш зонаси бунда куйидаги формула бўйича ҳисобланиши мумкин:

$$R_r = (\sqrt{H_1} - \sqrt{H_2}). \quad (2)$$

Алоқа масофаси атроф-муҳит сатҳидан антенналарнинг ўрнатилиш баландликлари, ўрнатиш нуқтасининг геодезик баландликлари, ишлатиладиган антенналар турлари, нурланиш поляризацияси (горизонтал ёки вертикал, узаткичнинг қуввати, қабул қилиш нуқтасидаги ҳалақитлар

сатҳи, алоқа трассасадаги тўсиқларнинг бўлиши, ишлатиладиган модуляциялаш тури ва ҳатто об-ҳаво шароитларига боғлиқ бўлади.

Газни таҳлил қилиш тушунчаси ўрганилган, мониторинг қилиш тизимлари учун газ сенсорларининг таснифланиши ва турлари келтирилган. Кўрсатилганки, кўплаб ҳолларда ўзгартиргичлар таркибий датчикларнинг қисми ҳисобланади (2- расм).




2- расм. Датчикнинг умумий кўриниши

Ўрнатилганки, кимёвий датчик таркибида иккита ўзгартиргич бўлиши мумкин, улардан биринчиси кимёвий реакциялар энергиясини ўзгартиради, иккинчиси эса термоэлемент бўлиб, у иссиқликни электр сигналга ўзгартиради. Бу ўзгартиргичларнинг комбинацияси кимёвий реакцияга жавоб тариқасида электр сигнални берадиган асбоб – кимёвий датчик ҳисобланади.

Хавфли газларни мониторинг қилиш турли усуллари ва ишлатилиш йўлларига асосланган хавфли газларни мониторинг қилишнинг замонавий тизимлари таҳлили ўтказилган. Термокаталитик сенсорларнинг авзалликлари таъкидланган: ўрнатиш, калибрлаш ва ишлатишнинг оддийлиги, катта хизмат қилиш муддати, паст нархи, турли газларга калибрлаш имконияти, чангли атмосферадаги юқори ишончлилиги, оширилган ҳароратлар шароитларидаги юқори ишончлилиги, намлик, ҳарорат ва босимнинг ўзгаришларга кам сезгирлиги, кўплаб углеводородларни (углерод билан водороднинг кимёвий бирикмаларини) аниқлаш имконияти.

Термокаталитик датчикнинг ишлаши газнинг оксидланишида иссиқлик энергиясининг ажралиши принципига асосланган. Уитстон кўприги ёрдамидаги датчик ҳароратнинг ўзгаришини газнинг концентрациясига тўғри пропорционал бўлган сигналга ўзгартиради. Конструктив жиҳатдан датчик катализаторга ўрнатилган қизиш элементлари жуфтлиги – референс ва актив элементлардан ташкил топган (3- расм).



**3- расм. Термокаталитик сенсор ва унинг электр схемаси**

Масофадан мониторинг қилиш тизимлари учун маълумотларни узатиш тармоқлари, уларнинг таснифланиши, ишлатиш турлари ва усуллари кўриб чиқилган. Унинг якунида мониторинг қилиш тизимлари учун маълумотларни узатиш технологияларига талабларни таҳлил қилиш ўтказилган.

Диссертациянинг “Газ аралашмалари концентрацияларини радиомониторинг қилиш тизимларини қуриш принциплари ва унинг компонентлари параметрларини танлашнинг асосий мезонлари” деб номланган иккинчи бобда газнинг чиқиб кетишини назорат қилиш масофадан радиомониторинг қилиш тизимларининг аппарат воситаларига қўйиладиган асосий талаблар келтирилган. Келтирилган талаблар ва тадқиқ қилинган мониторинг қилиш усуллари асосида масофадан радиомониторинг қилиш тизимини қуриш конфигурацияси ишлаб чиқилган.

Мониторинг қилишда тизим учун танланган тўлқинлар диапазонининг хоссаларини таҳлил қилиш ўтказилган, барқарор радиосигнални таъминлаш бўйича тавсиялар асосида алоқа масофасини аниқлашнинг айрим ҳисоблари амалга оширилган. Агар катта алоқа масофаси учун трактнинг кучайтириши кам бўлса, уни катта кучайтиришли антеннани танлаш, коаксиал кабелларнинг узунлигини ва мос равишда сўнишини камайтириш билан ошириш зарур. Ўрнатилганки, ультрақисқа тўлқинлар ёрдамида самарали алоқа учун узаткич ва қабуллагич антенналари орасида тўсиқсиз тўғри кўриниш линиясини таъминлаш зарур.


Алоқа масофасини оширадиган йўналтирилган антенналар қўлланганда Гюйгенс принципига асосланган Френель зоналари тушунчасидан фойдаланилган, унга мувофиқ муҳитнинг қўзғалиш етиб борадиган ҳар бир нуқтасининг ўзи иккиламчи тўлқинлар манбаи бўлиб қолади ва нурланиш майдони барча иккиламчи тўлқинлар суперпозицияс сифатида қаралиши мумкин.

Ҳисоблашлар қуйидаги формулаларга мувофиқ ўтказилган:

$$R = \sqrt{\frac{\lambda SD}{S+D}}, \quad (3)$$

$$R = 17,3 \sqrt{1/f \frac{SD}{S+D}}, \quad (4)$$

Френелнинг тасдиқлашича, R радиусли ва S + D масофали Френелнинг биринчи зонасига тушадиган барча тўсиқлар энг салбий таъсирни кўрсатади (4- расм). Келтирилган ҳисоблашлар бўйича ишлаб чиқиладиган тизимнинг берилган параметрларидан алоқа масофасини 30-40 километрларгача таъминлаш учун антеннанинг осилиш баландлиги 30 метрлар олинди.



4- расм. Френель зонаси


Зич қурилишлар ва заводлар объектларининг мураккаб инфратузилмаси шароитларида қабуллаш антеннасига сигнал бир неча турли йўллардан келади ва турли фазаларда қўшилади, шунинг учун сигналнинг сатҳи қабуллаш антеннаси атиги 1-2 метр сурилганида юзлаб марталарга ўзгариши мумкин. Бу ҳолда қабул қилиш антеннасининг ўрнатилиши нуқтасида сигналнинг сатҳларини ўлчашлар усули билан амалий ҳаракат қилиш зарур.

Термокаталитик сенсорлар қўлланадиган ингредиент мониторинг қилиш усулига асосланган ишлаб чиқилган услуб ёрдамида 27МГц диапазондаги ўз каналдан фойдаланиладиган, шунингдек, дискрет рақамли сўров алгоритмидан фойдаланиладиган радиомониторинг тизимининг блок-схемаси ишлаб чиқилган (5- расм).

Танланган радиомониторинг қилиш тизимини куриш усули куйидаги аҳамиятли авзалликларга боғлиқ: ўз радиоканалидан фойдаланиш ҳисобига ёрдамчи тизимлар ва технологияларга тизимнинг ишлаш автономлиги ва боғлиқ эмаслиги; периферия қурилмаларининг симсиз уланиши саноат объектларининг мураккаб инфратузилмаси шароитларида қулай; радиосигналнинг паст қувватидан фойдаланиш чекланган ишлаш радиусини беради, бу электромагнит мослашувчанлик ва аккумуляторлар зарядининг рационал сарфланиш муаммосини ечади


Фуқаролар дипазонида рақамли сигналларни қабул қилиш ва узатиш учун ишлатиладиган ўрганилган тузилиш схемалари асосида радиомониторинг қилиш тизимининг компонентлари ишлаб чиқилган, унинг ишлаш тавсифи келтирилган.





5- расм. Радиомониторинг тизимининг блок-схемаси

Датчикни улаш учун яхшиланган характеристикали модулнинг тузилиш схемаси ишлаб чиқилган. Датчикнинг чиқиш сигнали амплитудаси 0 дан 2 Вгача интервалда ўзгаради. Бу сигналнинг сатҳи ишлов бериш учун етарли эмас, шунинг учун схемага 2,5-5,5 Вли амплитудани олиш ва уни кейинги АРЎга бериш учун ўзгармас ток кучайтиргичи киритилган (6- расм).



6- расм. Сенсорли модулнинг блок-схемаси


Кучайтириш схемаларининг ишлашини таҳлил қилиш ва датчикларнинг электр чиқиш параметрларига таъминот занжирларидаги тоқларнинг таъсирини тадқиқ қилиш датчикнинг ўзини электр занжирлари ва кучайтиргичнинг электр схемаси бўйича ажратиш масаласини қўйди. Тадқиқотлар кўрсатдики, ўлчашлар параметрларни бузилишини олдини олиш учун датчикдан сигнал кучайтиргичнинг ер потенциали билан умумий потенциалга эга бўлмаслиги керак, чунки термокаталитик датчиклар юқори сезгирликка эга, бу сенсорли модулнинг чиқиш сигналига таъсир қилади. Шу туфайли сигнални ёруғлик орқали узатилишини ишлатадиган гальваник ажратиш схемаси киритилган. Датчикдан сигнал гальваник ажратиш схемаси

орқали ўзгармас ток кучайтиргичига берилади, 5,5 Вгача кучайтирилади, бу АРЎнинг номинал кириш параметрлари чегараларида бўлади.

Мониторинг қилиш тизимларини қуришда турли талаб қилинадиган масалалар, муҳитлар ва қўлланиш шароитлари учун датчикларнинг хоссаларини ўрганиш ва таҳлил қилиш асосида  $H_2$ ,  $CO$ ,  $CH_4$  ва бошқа турлардаги ёнувчан газларни аниқлаш учун самарали сифатда, синамаларни термохимёвий таҳлил қилишни ишлатадиган термокаталитик сенсор танланган. Ўрнатилганки, термокаталитик сенсор Ўзбекистон иқлим шароитларида ишлатиш учун бошқа турларга қараганда зарур асосий авзалликларга эга: ўрнатиш, калибрлаш ва ишлатишнинг оддийлиги; катта хизмат қилиш муддати; паст нархи;чангли атмосферадаги юқори ишончилиги; оширилган ва паст ҳароратлар шароитларидаги юқори ишончилиги; намлик ва ҳароратнинг ўзгаришларига кам сезгирлиги, босимнинг ўзгаришларига кам сезгир.

Диссертациянинг “**Хавфли газларни масофадан радиомониторинг қилиш тизимининг аппаратлар қисмини ишлаб чиқиш ва яратиш**” деб номланган учинчи бобида радиомониторинг қилиш тизимининг радиоканали, тизимнинг ишлашини бошқариш блоки, қабуллаш-назорат қилиш блоки, марказий бошқариш пульти, периферия блоки ва сенсорли модулни бошқариш тугунини ишлаб чиқиш келтирилган, шунингдек бу блокларнинг ишлаб чиқилган принципиал схемалари берилган.

Ишлаб чиқилган мониторинг қилиш тизимининг барча таркибий компонентларини яратишда истиқболли конструкциялаш усулларига амал қилинди (7- расм).




**7- расм. Истиқболли конструкциялаш усулларининг тузилмаси**

Тизимнинг маълум вақт интервалларида дискрет ишлашининг асл услуги ишлаб чиқилган. Бу услубнинг алгоритми битта 27МГц частотада тўртта қабулагич-узаткичларнинг бир вақтда ишлаши, аккумуляторларнинг тежамли сарфига имкон беради ва схематик бажарилишини соддалаштирди. Бу алгоритмда ишлаш алгоритми 20 минутни ташкил этади, бу вақт давомида узаткичлар 10 секунддан ишлайди. Узаткичларнинг ишлаши ҳар бир 20 минутда марказий бошқариш пульти узатиш қурилмасидан

нурлантириладиган импульс орқали синхронлаштирилади. Периферия узаткичларининг таймерлари бу импульс-синхросигнал бўйича ишга туширилади. Секундли вақт интерваллари шакллантирилади: 10 секунд давомида узаткич аккумуляторлар батареясининг кучланишини назорат қилиш режимида ишлайди, кейинги 10 секунд давомида датчикдан маълумотларни узатилади ва 10 секундлик ҳимоя интервали келади. 20 секунд ишлашдан кейин узаткичлар ўчади. Кейин ишлаш цикли такрорланади.

Вақт интерваллари таймерлари ва шакллантиргичлари схемасининг ишлаш вақт диаграммалари 8- расмда тасвирланган.

Периферия қабуллагичлари синхронлаштириш сигналларини қабул қилиш учун хизмат қилади ва синхронлаштириш сигнали орқали таймер чиқади туширилганидан кейин қабуллагич автоматик ўчади. Бу хато илаб кетишларнинг олдини олиш учун зарур бўлади, чунки қабуллагич 27МГц частотадаги барча сигналларни қабул қилади. Тизимнинг алгоритми таймерлар ёрдамида берилади.




**8- расм. Вақт интерваллари таймери ва шакллантиргичларининг вақт диаграммалари**

Сенсорли модуль учун вакуумли оптоэлектрон асбобдаги ажратиш принципал схемаси, операцион кучайтиргичлардаги ўзгармас ток кучайтиргичининг схемаси ва таъминот блокининг схемаси ишлаб чиқилган. Шундай қилиб, термокаталитик датчик гальваник ажратиш орқали ўзгармас ток кучайтиргичи билан боғланган, бу билан унинг ўлчаш бузилишлари муаммоси ечилган.

Диссертациянинг “Газ сенсорларини тайёрлаш технологиясини ишлаб чиқиш ҳамда конструктив ва метрологик параметрларини ҳисоблаш” деб номланган тўртинчи бобида ўзига хос ишлатиш шароитларида қўлланадиган термохимёвий сенсорнинг конструкциясини


ишлаб чиқиш ҳамда модернизациялаш ва қўшимча ингредиентларни аниқлаш келтирилган. Бунинг учун термохимёвий элементлардаги бирламчи ўзгартиргичларни ҳисоблашлар ҳамда чуқурлаштирилган тадқиқотлари ўтказилган ва келтирилган.

Шунингдек, термохимёвий сенсорнинг параметрлари ва бирламчи ўзгартиргичларнинг хатоликларини ҳисоблаш берилган. Алоҳида атроф муҳит ҳарорати ва босимнинг унга таъсирига датчикнинг ўлчашлари кўрсатишларининг боғлиқлиги масаласи кўриб чиқилган ҳамда конвекция функциясининг табуляциясини ҳисоблаш келтирилган. Асбоб корпусини реконструкция қилиш иссиқликнинг ўтказилишини яхшилаш, ишчи ҳарорат диапазонини кенгайтириш, вибрация ва ҳаводаги чангли аралашмаларга барқарорликни оширишга имкон берди (9- расм).



9- расм. Такмиллаштирилган термохимёвий сенсорнинг тузилмавий кўриниши

Датчикнинг ишлаш принципи сезгир элементда аниқланадиган компонентни каталитик оксидланиши кимёвий реакциясида ажраладиган иссиқлик миқдори бўйича газ аралашмасидаги қидирилаётган компонентнинг концентрациясини ўлчашга асосланган. Конструктив жиҳатдан датчик ўзаро иккита ўзгармас резистор орқали тенгланмаган кўприк схемаси бўйича уланган ўлчаш ва компенсацион сезгир элементлардан ташкил топган (10- расм).



10- расм. Резисторли ТПЭ уланишининг электр схемаси

Сезгир термоплатинали элементларнинг (ТПЭ) спираллари турли активлик даражасили катализаторлар билан – ўлчаш элементи юқори даражада, компенсацион элемент паст даражада кўп қатламли қопланган. Газ датчикка тушганида элементларнинг сиртида турли жинсли алангасиз оксидланиш бўлиб ўтади, бунинг натижасида элементларнинг қаршилиги ўзгаради ва кўприк мувозанатли ҳолатдан чиқади, диагоналда ўлчанадиган компонентнинг таркибига пропорционал ток пайдо бўлади. Чиқишда олинадиган сигнал ўлчаш ва компенсацион элементлардаги 20 мг/м<sup>3</sup>га 1 мВдан кам бўлмаган фарқига боғлиқ бўлади.

$p$  атмосфера босимини ва  $t_0$  атроф-муҳит ҳароратини ўзгартириш ҳамда милливольтметр  $J$  токи қийматларини ёзиб олиш билан ўлчашлар туркуми ўтказилган. Ҳар бир  $J$  қиймати (мАдаги) учун дастлаб ТПЭнинг ҳарорати ҳисобланди:

$$t = \left( \frac{138,568}{J} - 1 \right) \cdot 256,41 \quad (5)$$

Кейин конвекция функцияси ҳисобланди:

$$h(t_0, p) = \frac{606,7324 \cdot J + (2,7315 + 0,01t_0)^4 - (2,7315 + 0,01t)^4}{t - t_0} \cdot 4,5363 \quad (6)$$


$h = h(t_0, p)$  функциянинг қийматлари  $p$  босими ва  $t_0$  ҳарорат ягона шкалаларига келтирилганидан кейин унинг учун 4.1- жадвал тузилди.

#### 1- жадвал

##### Конвекция функциянинг қийматлари

$t_0$ (°C) \ $p$ (мм.рт.ст.)	-50	-25	0	+25	+50
5	87,2	89,2	88,8	88,3	84,1
10	87,9	90,0	89,9	89,7	85,4
100	92,7	93,8	95,0	95,0	89,7
200	94,8	95,8	97,3	97,5	93,9
300	95,8	97,0	98,7	98,6	95,8
400	96,5	97,8	99,7	99,5	96,8
500	97,1	98,4	100,4	100,6	97,5
600	97,5	98,9	100,9	101,5	98,1
700	97,9	99,5	101,4	102,0	98,6

11- расмдаги графикдан атмосфера босими ўзгарганида сигналнинг нисбатиллиги кўринади.



**11- расм. Қайд этилган  $t_0$  хароратда  $h = h(t_0, p)$  функциянинг  $p$  босимга боғлиқ ўзгариши характери**

